



**Абдуллатиф
АЛЛОҚУЛОВ,**
*тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори**

*Имом Мотуридий халқаро
илмий-тадқиқот маркази
бўлим бошлиғи*

**МОВАРОУННАХР ИЛМИЙ МУҲИТИДА
ИМОМ МОТУРИДИЙНИНГ
ТУТГАН ЎРНИ**

**РОЛЬ И МЕСТО ИМАМА МАТУРИДИ В
НАУНОЙ СРЕДЕ МАВЕРАННАХРА**

**THE ROLE OF IMAM MATURIDI
IN THE SCIENTIFIC ENVIRONMENT
OF MAWARANNAHR**

Калит сўзлар: *Муржиъа, Абу Ҳанифа,
Имом Мотуридий, имон, амал.*

Ключевые слова: *Мурджииты, Абу хани-
фа, Имам Матуриди, вера, деяние.*

Keywords: *Murji'a, Abu Hanifa, Imam
Maturidi, iman (faith), amal (deed).*

Кириш

Абу Мансур Мотуридийнинг ақидавий қарашларини ўрганиб, уни кенг жамоатчиликка тарғиб этиш бугунги глобаллашув шароитида юзага келган кўплаб ақидапараст оқимларга қарши курашда муҳим аҳамият касб этади. Имом Мотуридий бошчилигидаги олимлар мотуридийлик таълимотини ривожлантириш йўлида салмоқли хизмат қилганлар. Ҳозирда Имом Мотуридий ва мотуридийлик ҳақида кўплаб китоб, мақола, магистрлик, докторлик ишлари амалга оширилмоқда. Зеро, Имом Мотуридий ҳаётини атрофлича ўрганиш, унинг фикҳ, ақида ва тасаввуф фанларига алоқадор жиҳатларини очиб бериш бугунги куннинг долзарб вазибаларидандир.

Абу Мансур Мотуридий ҳаёти ва ижодига оид манбалар Абул Юсуф Паздавӣ (493/1100)нинг

*A.Alloqulov – Head of the Department of the “Research on the Doctrine of Maturidiyya” of the Imam Maturidi International Scientific Research Center.

“Усулуд дин” (Дин асослари), Абул Муин Насафӣ (508/1114)нинг “Табсиратул адилла” (Далилларни ёритиш), Ибн Фазлуллоҳ Умарий (749/1348)нинг “Масоликул абсор фи мамаликил амсор” (Абдулқодир ибн Абул Вафо Кураший (775/1373)нинг “ал-Жавҳаратул музия фи табақотил ҳанафия”, Ибн Қутлубғо (879/1474)нинг “Тожут тарожим”, Муҳаммад Муртазо Забидий (1205/1791)нинг “Итҳофус содатил муттақин би шарҳи ихёи улумид дин” ва Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий (1304/1887)нинг “ал-Фавоидул баҳия фи тарожимил ҳанафия” асарларида учрайди. Шунингдек, замонавий тадқиқотчилардан Абдулмалик Саъдий, Шовосил Зиёдов, Саидмухтор Оқилов, Сунмаз Қутлу, Ҳамза Бакрий, Аҳмад Саъд Даманхурий, Билқосим Голий каби мутахассислар мавзу доирасида рисола ва илмий ишлар нашр қилганлар.

Имом Мотуридийнинг тўлиқ исми манбаларда Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд [15:5] Абу Мансур Мотуридий Самарқандий (333/944) деб қайд қилинган [20:61-62]. Аксарият манбаларда олимга қуйидаги лақаб ва унвонлар берилгани кузатилади: “Диннинг атоқли шахсларидан бири, мусулмонларнинг шайхи, имом, суннатнинг қиличи, адашган ва бидъатчи тоифаларни тағтомири билан кўпариб ташловчи, ислом шайхи, зоҳид, ҳидоят имоми, ҳидоят байроғи имоми, ҳидоят ва дин имоми, миллат таянчи, умматни ҳидоятга йўлловчи, Самарқанд шайхларининг раиси, ҳанафий шайхлари раиси, мутакаллимлар имоми, мусулмонлар эътиқодини тузатувчиси, аҳли сунна вал жамоа раиси, суннат нусратчиси, шариатни жонлантирувчиси, мусулмонлар эътиқодини мустаҳкамловчиси” [20:61; 14:157; 20:60-61; 3:553; 4:3; 10:69; 15:5; 9:143; 16:93; 7:14; 17:2]. Булар орасида Имом Мотуридийнинг “ҳидоят имоми” ва “ҳидоят байроғи” деган лақаблари энг машҳури ҳисобланади.

Имом Мотуридийнинг таваллудига доир маълумотлар табақот ва тарожим йўналишидаги бирор манбада кўрсатилмаган. Лекин, олимнинг устоз ва яқинларининг вафот этган санасига қараб, уни тахминий таваллуд йилини белгилаш мумкин. Жумладан, унинг шайхлари Муқотил Розий (ваф. 248/862), Нусайр ибн Яҳё Балхий (ваф. 268/882) ва Муҳаммад ибн Аслам Аздий (ваф. 268/882)ларнинг вафотига қараб тахминий тарзда Имом Мотуридий 230/845 ёки 240/854 йиллар атрофида таваллуд топган, дейиш ўринли бўлади.

У яшаган даврга келиб (IX асрнинг охири – X асрнинг биринчи ярми) Мовароуннаҳрда тўғри йўлдан адашган турли гуруҳ ва фирқалар кўпайиб,

Абу Мансур Мотуридий Мовароуннаҳр илмий муҳитига сезиларли таъсир кўрсатган муфассир, фақиҳ ва ҳидоят имоми ҳисобланади. У ҳанафийлик мазҳаби негизида “усул ад-дин”, “усул ал-фиқҳ” фан тармоқларини ривожланишига ҳисса қўшиш билан бир қаторда таъвил йўналишида “Таъвилот ал-Қуръон” асарини таълиф қилди. Имом Мотуридийнинг мантиқ, фалсафа фанлари доирасидаги қарашлари бугунги кунда ислом фалсафасини ўрганишда долзарб аҳамият касб этади.

Маълумки, IX асрда Мовароуннаҳрда турли оқимлар ихтилофи ақидавий масалаларни жамоатчиликка эълон қилиш орқали ўзаро қарама-қаршилиқларни халқ орасида тарқалишига замин яратди. Айни шу вақтда Абу Мансур Мотуридий аҳли сунна вал жамоа таълимотини тарғиб этиб, жамиятни яқдил эътиқодга ҳамда муътадил таълимотга бирлашишга чорлади. Шу жиҳатдан мотуридийлик таълимоти Мовароуннаҳрда ва кўшни минтақаларда ўзига хос аҳамият касб этди.

Мақолада мотуридийлик таълимоти асосчиси Абу Мансур Мотуридийнинг ҳаёт йўли, устоз, шогирдлари ва илмий мероси ҳақида маълумотлар берилган. Шунингдек, унда Имом Мотуридийнинг оиласи ва “Абу Мансур” кунyasi билан аталиш сабабларига тўхталиб ўтилиб, бунга оид маълумотлар атрофлича таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада Имом Мотуридийнинг ақидавий, фикҳий ва тасаввуфий қарашлари “Таъвилот ал-Қуръон” асари асосида далиллар билан ёритилган.

Abu Mansur Maturidi is a mufassir, faqih, and imam of guidance who had a significant impact on the scientific environment of Mawerannahr. On the basis of the Hanafi school, he contributed to the development of “usul al-din” and “usul al-fiqh”, as well as wrote “Ta’wilat al-Qur’an” in the field of ta’wil. Imam Maturidi’s views in the field of logic and philosophy are of great importance in the study of Islamic philosophy today.

It is known that in the IX century, various sects in Mawerannahr caused the spread of mutual contradictions among the people by announcing to the public the conflicting doctrinal issues. At the same time, Abu Mansur Maturidi promoted the teachings of Ahl al-Sunnah wa’l-Jama’ah and called on the society to unite in a single faith and a moderate doctrine. In this regard, the doctrine of Maturidiyya gained a special significance in Mawerannahr and neighboring regions.

The article provides information about the life, teachers, students, and scientific heritage of Abu Mansur Maturidi, the founder of the doctrine of Maturidiyya. It also mentions the family of Imam Maturidi and the reasons why he was given the kunya “Abu Mansur” and analyzes relevant information in detail. The article also discusses Imam Maturidi’s doctrinal, jurisprudential, and mystical views based on Ta’wilat al-Qur’an.

Абу Мансур Матуриди – муфассир (толкователь Корана), исламский правовед и праведный имам, оказавший значительное влияние на научную среду Мавераннахра. Он способствовал развитию методов “усул ад-дин”, “усул аль-фиқҳ” на основе ханафитской школы, а также завершил работу “Тавилат аль-Коран” в области толкования. Взгляды имама Матуриди в области логики и философии имеют большое значение в изучении исламской философии.

Хорошо известно, что в IX веке распространение разных религиозных течений в Мавераннахре создало почву для противоречий и различных идеологических проблем в обществе. В то же время Абу Мансур Матуриди распространял учение Ахль ас-Сунна валь-Джамаа и призывал умму объединиться в единой вере и умеренном учении. В связи с этим доктрина матуридизма приобрела особое значение в Мавераннахре и соседних регионах.

В статье представлена информация о жизненном пути, учителе, учениках и научном наследии Абу Мансура Матуриди, основателя учения Матуридизма. В ней также обсуждаются причины, по которым Имам Мотуриди получил имя Абу Мансур и подробно анализируются связанные с этим сведения.

В статье также разъясняются догматические, юридические и суфистские взгляды Имама Мотуриди на основе Тавилат аль-Корана.

уларнинг аксарияти имон-эътиқод масалалари бўйича баҳсу мунозаралар туфайли вужудга келган эди. Мана шундай мураккаб шароитда аллома Абу Мансур Мотуридий етишиб чиқди ва уларнинг нотўғри фикрларига асосли раддиялар берди. У ҳанафий мазҳаби асосчиси Абу Ҳанифанинг (699–767) таълимотига суянган ҳолда ўзига хос калом мактабини яратди. У асос солган мотуридийлик таълимоти кейинчалик Самарқанд калом мактаби

доирасидан чиқиб, бутун ислом оламига тарқалди ва суннийликдаги икки йирик мактабнинг бири (бошқаси – ашъария) сифатида танилди.

Имом Мотуридийнинг оиласи, қариндошлари ва фарзандлари ҳақида бирор манбада маълумотлар учрамайди. Шунингдек, олимга нисбатан “Абу Мансур” дейилиши ҳам унинг “Мансур” исмили ўғли бўлганини ҳам ифодаламайди. Чунки, олимнинг ўзи “Таъвилотул Қуръон”нинг “Масад”

сурасида: “Ўғил кўрсам исмини Мансур кўяман” деган. Шундан келиб чиқиб, олим ўзини “Абу Мансур” деб кунялаган бўлиши мумкин. Зеро, Имом Мотуридий “Масад” сурасини толиби илмларга шархлаётганда 60 ёш атрофида бўлган.

Самъоний ўзининг “ал-Ансоб” асарида Имом Мотуридийнинг қизи борлигини таъкидлаб, у Абулҳасан Али бин Ҳасаннинг онаси бўлганини таъкидлаган [2:115]. Бу маълумотни Абдулқодир Қурашийнинг “ал-Жавҳаратул музия фи табакотил ҳанафия” асарида келган қуйидаги маълумот ҳам қўллаб-қувватлайди: “Қози Абул Ҳасан шайх Абу Мансур Мотуридийнинг набираси бўлиб, у биринчи таълимни она томонидан бобосидан олган”[3:553].

Имом Мотуридий ақида соҳасида Абу Ҳанифанинг том маънодаги издоши ҳисобланади. Жумладан, “Ишоратул маром” асарининг соҳиби Баъзий [13:23], Муҳаммад Зоҳид Кавсарий [13:6-7] ва Муҳаммад Абу Заҳралар [18:164] айни бу маънони таъкидлаганлар. Жумладан, Абу Заҳра “Тарихул мазаҳибил исламия” асарида шундай деган: “Абу Ҳанифадан нақл қилинган ривоятлар билан Абу Мансур Мотуридий қарор қилган ақидавий мавзуларни ўзаро бир-бирига таққослаб кўрилса, ҳар иккисининг илдизи бир манбага бориб тақалиши аён бўлади. Шунинг учун Абу Ҳанифанинг ақидавий қарашлари қонунқоидалар мажмуаси бўлиб, Имом Мотуридийнинг мактаби шу асосда шаклланган, дейилади. Ирок ва унга яқин ҳудудлардаги уламолар фуруъл фикҳ масаласида Абу Ҳанифага эргашган бўлсалар, ақидавий масалада ашъарийларга таянганлар. Лекин, мовароуннаҳрлик олимлар фуруъл фикҳ ҳамда ақида илмида Абу Ҳанифанинг маслагини тутганлар” [18: 156-166]. Жумладан, олим ўзининг “Таъвилотул Қуръон” асарида адашган фирқаларнинг сўзларини келтириб, уларни таҳлил қилгани ва раддия бергани кузатилади. Муаллиф ўз тафсирида замонасидаги мўътазиллийлик, хорижийлик, карромийлик, жабарийлик каби оқимларни зикр этиб, уларга муносиб тарзда ақлий раддиялар берган. Жумладан, муътазиллийлардан бўлган Жаъфар ибн Ҳарб ва Абу Бакр Асомларнинг “Мулк” сурасидаги “(Ахир) яратган зот (Ўзи яратган нарсаларини) билмайдими?!” (14-) оятидаги “ман” – “ким” сўзидан Аллоҳ таоло эмас, махлуқотлар тушунилади”, деган қарашларига ақлий далиллар орқали раддиялар берган. Жумладан, Жаъфар ибн Ҳарб, Абу Бакр Асомлар бандаларнинг касбий феъллари яратилмаган деган ғояни ўртага ташлашга уринишса, Имом Мотуридий уларга

қарши аҳли сунна вал жамоа таълимотини қўллаб-қувватлаб бандаларнинг феълини ҳам махлуқотлигини исботлаган.

Баъзий “Ишоратул маром” асарида қайд қилишича, Имом Мотуридий Абу Ҳанифанинг “ал-Абсаг”, “ар-Рисола”, “ал-Олим вал мутаъаллим”, “ал-Васия” ва “ал-Фикҳул акбар” китобларини ўзининг Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ Жузжоний ва Абу Наср Аҳмад ибн Иёдийлардан қабул қилиб олган[13:23].

“Таъвилотул Қуръон” асарида фикҳий мавзулар ўртага ташланиб, унинг ечимини тавсия қилиш Имом Мотуридийнинг фақиҳлигини исботлайди. Жумладан, Пайғамбаримизнинг “*Мерос қолдирмаймиз ва биз қолдирган нарсалар садақадир*” [1:354] ҳадиси остида фақиҳларнинг қарашларини келтириб таҳлил қилади ва мавзу юзасидан ўзининг қарашини тақдим қила олади.

У “Таъвилотул Қуръон” асарининг кўплаб ўринларда Абу Ҳанифа, Муҳаммад ибн Ҳасан, Абу Юсуф каби олимларнинг сўзларидан фойдаланган. Баъзи ўринларда ҳанафийлик мазҳаби имомларидан бирортасини айнан келтирмай “асҳобларимиз” деган атамани қўллаган [1:28]. Абул Муин Насафий (ваф. 508/1114) Имом Мотуридийнинг Абу Ҳанифа билан ўртасидаги алоқани тавсифлаб шундай деган: “Шайх Абу Мансур Абу Ҳанифанинг этагини усул ва фуруъда маҳкам тутган” [5:13].

Манбаларда Имом Мотуридийни “зоҳид, Раббоний олим” деб васф этилиши, тасаввуфда уни юқори мартабаларга чиққанини англатади. Жумладан, олим ўзининг “Таъвилотул Қуръон” асарининг “Қасос сураси, 614-615-”, “Аҳзоб сураси, 113-”, “Ҳадид сураси, 49-50-”, “Инсон сураси, 352-”, “Назиъат сураси 378-” ва “Моида сураси, 61-” оятларида илоҳий муҳаббат, зуҳд, тақво, охиратни дунёдан устун қўйиш каби тасаввуфнинг нозик қирралари ҳақида сўз юритган. Мазкур оятларнинг тафсирида келган маълумотлар Имом Мотуридийни тасаввуф пешвоси сифатида баҳолаш имконини беради. Хусусан, у Аҳзоб сурасининг 113-ояти шарҳида зуҳдни икки қисмга тақсимлаб, шундай изоҳлайди: Имом Мотуридий ўзининг “Таъвилот ал-Қуръон” асарида: “Ер юзи набий ёки валийдан холи бўлмайди” деган [1:158]. Абул Юср Паздавий (ваф. 493/1100) ўзининг “Усулуд дин” асарида Имом Мотуридий ҳақида қуйидагиларни қайд қилган: “У каромат соҳиби ва аҳли сунна вал жамоанинг раисларидан бўлган. Бобом Зоҳид Абдулкарим ибн Мусодан нақл қилинишича, Мотуридийнинг кўплаб каромлатлари бўлган” [7:14]. Алишер Навоий ўзининг “Насоимул муҳабба” асарида ҳам

Имом Мотуридийнинг кароматини зикр қилиб, у киши ҳақида шундай деган: “Шайх Абу Мансур Мотуридий ўз замонининг аълам уламси эрмиш. Ул вақт уламси аларни “Султон ал-муиззин” дер эрмишлар. Зоҳир ва ботин улумлари била ораста эрмишлар”.

У Самарқанддаги “ал-Иёдия” мадрасасида ўқиб, маҳаллий ҳанафий фақиҳларга шогирд тушиб, улардан таълим олди. Абул Муин Насафий, Баъзий ва Забидийлар Имом Мотуридийнинг устозлари сафига Муҳаммад ибн Муқотил Розий (ваф. 248/862 й.), Нусайр ибн Яҳё Балхий (ваф. 268/882), Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ ибн Субайҳ Жужжоний, Абу Наср Аҳмад ибн Аббос Иёдий (ваф. 275/889 й.)ларни киритган [9:358; 16:5].

Имом Мотуридийнинг шогирдлари ўз даврининг етук олими, фақиҳи ва калом илми мутахассислари бўлган. Жумладан, Абул Қосим Ҳаким Самарқандий (342/953) Имом Мотуридийдан фикҳ илмини, Абу Бакр Варроқ ва балхлик машҳур шайхлардан эса тасаввуф илмини ўрганган. Ҳаким Самарқандий Абдуллоҳ ибн Саҳл Зоҳид, Амр ибн Осим Марвазийлардан ҳадис ривоят қилган. Абул Муин Насафий уни қуйидагича таърифлаган: “У уммат рози бўлган ва улар орасида мақталган киши эди. Унинг юксаклиги ва улўғлиги қалбларга ўрнашган эди. Калом, фикҳ, Қуръон таъвили, маърифат ва муомалот илмларини мукаммал билган ва мазкур илмларда юксак чўкқиларни забт қилган олим эди”. Абул Қосим Самарқандийнинг бизгача “ас-Саводул аъзам” номли асари етиб келган. Бу асарга Иброҳим Ҳилмий ибн Ҳусайн деган олим “Саломул аҳком ала саводил аъзам” номли шарҳ ёзган. Бу китоб Истанбулда 1896 йили нашр этилган.

Имом Мотуридийнинг шогирдларидан яна бири Абул Ҳасан Рустуфағний (ваф. 350/961)дир. Абу Ҳафс Насафий ўзининг “ал-Қанд фи зикри уламаи Самарқанд” асарида олим нисбасини “Рустуфағний тарзида қайд қилган”. Аксарият замонавий тадқиқотчилар уни Рустуфаний шаклида зикр қилганлар. Олимнинг “Иршодул мухтадий”, “Китобуз завоид”, “ал-Хилоф”, “ал-Фатаво” номли асарлари бор. Фаҳрул ислом Паздавийнинг бобоси Абу Муҳаммад Абдулкарим Паздавий (390/1000) ҳам Имом Мотуридийнинг етук шогирдларидан бўлган. У “Дурру ақоид аҳли сунна вал жамоа” асарининг муаллифи ҳисобланади.

Манбаларда кўрсатилишича, Абу Мансур Мотуридийнинг “Китоб ат-Тавҳид” (Тавҳид китоби), “Китоб ал-Мақолот” (Моқолот китоби), “Маъхаз аш-шароий” (Шариатлар манбаи),

“Китоб ал-жадал” (Мунозара китоби), “Таъвилот ал-Қуръон” (Қуръон таъвили), “Китобу баъни ваҳмил муътазила” (Муътазилийларнинг хом-ҳаёлини баён этувчи китоб), “Радд ал-усул ал-хамса” (Беш асосга раддия), “Китобу радди аваил ал-адилла ли-л-Каъбий” (Каъбийнинг асосий далилларига раддия китоби), “Радду китоб ал-Каъбий фи ваъид ал-фуссоқ” (Каъбийнинг фосиқларнинг ваъидига бағишланган китобига жавоб) каби асарлари мавжуд [6:1⁶]. Лекин санаб ўтилган бу китоблар ҳақида тўлиқ бир тасаввур йўқлиги тадқиқотчиларга қийинчилик туғдиради. Чунки илк ўрта аср мутакаллимларининг кўпгина илмий мероси каби Мотуридий асарларининг аксарияти бизгача етиб келмаган. Унинг илмий меросидан фақат “Китоб ат-Тавҳид” ва “Таъвилот ал-Қуръон”лар сақланиб қолган.

Мутакаллимнинг энг муҳим асарларидан бири “Китобут тавҳид” бўлиб, унинг асл нусхаси ҳозирда Кембридж университети кўлёзмалар фондида сақланади. У 206 varaқ, сатрлар сони 21 қатордан иборат. Кўчирувчи сифатида Амин Ҳанафий Шофиъий кўрсатилган. Асар 15 шаъбон 1150/31 декабрь 1735 йил кўчирилган. 1970 йили мисрлик олим Фатхуллоҳ Жулайф узоқ йиллар давом этган изланишлари натижасида Байрутнинг “Дорул машриқ” нашриётида “Китоб ат-Тавҳид”нинг нашрини амалга оширган. Нашрда бир талай камчиликларга йўл қўйилганига қарамай, у ўздан кейинги тадқиқотлар учун манба сифатида хизмат қилади. Шундан сўнг “Китобут тавҳид” яна бир неча мартаба нашр этилди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази ходими Аҳмад Саъд Даманхурий “Китоб ат-Тавҳид”нинг икки йўналишда тадқиқотини амалга оширмакда: биринчиси, ҳозирги кунгача таҳқиқ этилиб, нашр этилган “Китобут тавҳид” нашрларида йўл қўйилган хато-камчиликлар тузатилган ва мавзуларга бўлинган, иқтибос қисмида мураккаб сўз ҳамда иборалар содалаштирилган шакли; иккинчиси, китобнинг иборалари устида тадқиқот олиб бориб, унда ишлатилган атама ва ибораларни энгиллаштириб асарнинг “Тасҳили”ни яратиш.

Абу Мансур Мотуридийга устози Абу Наср Иёдийнинг таъсири катта бўлган. У олимдан анъанавий ислом мезонларини ўрганиш билангина чекланиб қолмай, уни мукаммал тарзда ўзлаштириб, изчил таҳлил қилишни ҳам ўрганган. Мотуридий вафотидан сўнг Самарқанд чеккасида жойлашган Чокардиза қабристонига дафн этилади. Ўша даврдаги таомулга кўра бу қабристонга шаҳар

аҳли орасида эътиборга молик таниқли олимлар, уламолар дафн этиларди. Мотуридийнинг кўплаб сафдошлари ва шогирдлари ҳам шу жойга дафн этилганлар. Бинобарин, ўрта асрларда фаолият кўрсатган кўплаб олиму уламолар ҳаётини ўрганиш учун бу қабристон ва у билан боғлиқ бўлган маълумотлар муайян аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

XX аср бошларида академик В.В.Бартольд Самарқанд сафари пайтида Чокардиза қабристонидан бўлгани ва у жойда Мотуридий мақбарасини кўргани ҳақида маълумотлар беради [11:392]. Бундан кейинги манбаларда Мотуридий мақбараси хусусида бошқа маълумотлар деярли учрамайди¹. Бир неча асрлар давомида таниқли фақиҳлар, шайхлар, уламолар дафн этилган ушбу қабристон шўро даврида аҳоли яшайдиган маҳаллага айлантирилгани ҳам собиқ тузумнинг мафкуравий сиёсатидан бир кўриниш дейиш мумкин. Нагжада бир қанча қабртош ва қайроқлар йўқолиб кетган. Мотуридий мақбарасини тиклаш жараёнида кўплаб фақиҳ ва уламоларнинг қабртошлари топилди. Уларнинг аксарияти қорахонийлар даврига оид бўлиб, кўплаб янги маълумотлар бериши табиий. Мазкур қабртошлар исломшунос Б.Бобожонов томонидан ўрганилган. Чокардиза қабристонидан топилган баъзи эпиграфик ёдгорликларини ўрганиш X аср уламолари қабртошларидан (қайроқ) бир қисми бизгача етиб келганлигини кўрсатади. Улар орасида Абул Ҳасан Рустуфағний, Абу Салама Самарқандийлар каби мотуридийлик таълимоти етакчиларининг исмлари мавжуд [12:407].

2000 йил Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Мотуридий таваллудига бағишлаб ўтказилган тантаналар арафасида Самарқандда Чокардиза қабристони ўрнида 3,5 гектарлик мажмуа барпо этилди. Мажмуа марказида Абу Мансур Мотуридий мақбараси қад кўтарди.

Абу Мансур Мотуридий ўз таълимоти ва илмий асарлари билан Мовароуннаҳр илоҳиёт мактабининг ривожланишига катта ҳисса қўшди. Илоҳиёт илмларининг тўла шаклланиб, такомилга етишида уларни қайта ишлаб чиқиб, маълум

¹ 2000 йил Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Имом Мотуридий таваллудига бағишлаб ўтказилган тантаналар арафасида Самарқандда Чокардиза қабристони ўрнида 3,5 гектарлик мажмуа барпо этилди. Мажмуа марказида Абу Мансур Мотуридий мақбараси бунёд этилган. Мақбара куб шаклида бўлиб, 12x12 метр. Гумбаз узунлиги 8,5 метр, 4 бурчагида 4 мармар устун бор, мақбара асосан пишик ғиштдан қурилган, ёғочдан 3 та эшик ишланган. Мақбарани ёритиш учун гумбаз остида 18 та дарчаси, 12 та мис қандили бор.

тизимга солишда катта бир ишни амалга оширди. Буюк аллома ўз қарашлари билан ҳанафийлик таълимотининг Ўрта Осиё халқлари анъаналари ва урф-одатлари билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатиб берди. Буюк ватандошимиз яратган таълимот ислом динининг буюк ақидавий мактабларидан бири сифатида кенг қўламда тан олинди. Суннийликнинг ҳанафийлик мазҳабига эътиқод қилувчиларнинг барчаси ақида бобида Имом Мотуридий ва унинг шогирдлари ҳамда издошлари ёзиб қолдирган қимматли асарларга таяниб иш кўрадилар. Энг эътиборлиси, ислом оламининг аксарият минтақаларида, Сурия, Ироқ, Туркия, Покистон, Ҳиндистон, Шимолий Африкада мотуридийлик таълимоти ҳозир ҳам ўрта ва олий диний ўқув юртларида мустақил фан сифатида ўқитиб келинади.

Европа ва Туркия олимлари томонидан калом илми тарихига оид кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, Марказий Осиё ҳудудида ушбу соҳа бўйича ҳали етарли ишлар амалга оширилгани йўқ эди. 2000 йил Имом Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги Ўзбекистонда кенг нишонланиши ушбу соҳада ўзбекистонлик тадқиқотчиларнинг фаолияти ривожига туртки бўлган бўлса, иккинчидан 2000 йилда олмон шарқшуноси Ульрих Рудольфнинг Абу Мансур Мотуридий илмий меросига оид тадқиқоти рус ва ўзбек тилига таржима қилингани унга бўлган қизиқишни янада оширди. Ва ниҳоят 2020 йил 11 августда юртбошимиз томонидан “Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳани янада чуқурроқ ўрганиш, Имом Мотуридийнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилиш, мотуридийлик таълимотини халқаро миқёсда тарғиб-ташвиқ қилиш имкониятини берди. Ўтган йиллар ичида калом илми тарихи, хусусан, мотуридия таълимотига бағишлаб Ўзбекистонда Ш.Зиёдов, С.Оқилов, Ҳ.Сағдиев, И.Даминов, А.Аллоқулов ва Ў.Полвоновлар томонидан диссертациялар ҳимоя қилинди.

Хулоса

Бугунги кунда мотуридийлик таълимотини изчил ўрганиш, манбаларини атрофлича таҳлил қилиш хорижий ва маҳаллий мутахассислар олдида турган улкан вазифалардан биридир. Имом Мотуридий халқаро илмий тадқиқот маркази томонидан олимнинг “Таъвилотул Қуръон” ва “Китоб ат-тавҳид” асарларининг ўзбек тилига таржима қилиниши юртимизда мотуридийлик

таълимоти борасидаги тадқиқотларнинг янада жонланиши ва ривожланиши гарови сифатида баҳолаш мумкин. 2020 йил 3 март куни Самарқандда “Имом Абу Мансур Мотуридий ва мотуридия таълимоти: ўтмиш ва бугун” номли конференциянинг ўтказилиши фикримизнинг ёрқин исботидир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абу Мансур Мотуридий. Таъвилот ал-Қуръон. – Ж. XVI. – Истанбул: Дорул мизон, 2006.
2. Абдулкарим Самъоний. Ал-Ансоб // Абдурраҳмон ибн Муъаллимий. – Ж. V. – Ҳайдаробод: Доиратул маъорифил Усмония. 13 жилдди, 1382/1962.
3. Абдулқодир Қураший. Ал-Жавоҳир ал-музийя фи табақот ал-ҳанафия // Абдулфаттоҳ Муҳаммад Хуль таҳрири остида. – Ж. II. – Қоҳира: Ҳижр, 1993.
4. Абдуллатиф Ҳасан Абдурраҳмон. Ал-Ғававо ал-ҳиндия. – Ж. 3. 2000.
5. Абул Муин Насафий. Ат-Тамҳид ли қаваидит тавҳид // Жайбуллоҳ Ҳасан таҳқиқи. – Дорут тибоатил Муҳаммадия, 1986.
6. Абул Муин Насафий. Табсирагул адилла. Ж. 1. – Б. 359., Рудольф, 1999. – Б. 135-148; Алоуддин Самарқандий. Шарҳ китоб таъвилот. – ЎзР ФА ШИ. – Қўлғезмалар асосий фонди. – Қўлғезма № 3249.
7. Абул Юср Муҳаммад Паздавий. Усулуд дин // Ҳонз Питр Линс таҳқиқи. – Қоҳира: Мактабатул азҳария, 2003.
8. Абул Муин Маймун ибн Муҳаммад. Табсираат ал-адилла фи усул ад-дин. II жилдлик. К. Салома нашрга тайёрлаган. – Дамашқ: 1990-1993. Ж. I.
9. Абу Ҳафс Насафий. Ал-Қанд фи зикри уламаи Самарқанд // Назр Муҳаммад Файробий таҳрири остида. – Саудия: Мактабату-л-кавсар, 1991.
10. Аҳмад ибн Муҳаммад Адана. Табақотул муфассирин // Сулаймон ибн Солиҳ таҳқиқи. – Мадина: Мактабатул улум вал ҳиком, 1997.
11. Бартольд В.В. Сочинения // Работы по источниковедению. – Т. 8. – М.: Изд. Вост. Лит, 1973.
12. Бобоҷонов Б. (Тошкент шаҳри) шахсий архивида сақланаётган 37 қабртош битиги; Додхудоева Л.Н. Эпиграфические памятники Самарқанда XI-XIV вв. – Душанбе: Дониш, 1992.
13. Камолитдин Аҳмад Баъзий. Ишоротул маром мин иборотил имом // Юсуф Абдураззоқ Шофий таҳқиқи. – Исломобод: Zamzam Publisher, 2004.
14. Камол ибн Хумом. Ал-Мусояра фи илмил калом. – Миср: Махмудия, нашр йили кўрсатилмаган.
15. Муҳаммад ибн Муҳаммад Забидий. Итҳофус содатил муттақин би шарҳи ихёи улумид дин. – Ж. II. – Байрут: Муассасатут тарихил арабий, 1994.
16. Муҳаммад ибн Ҳасан Ҳажвий. Ал-Фикрус сомий. – Ж. III. – Работ: Матбаатул маъориф, 1340.

